

АКАДЕМИК ШАВКАТ АКМАЛХОНОВ



Ўзбекистон илм-фани огир худо-ликка учради. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси академиги Шавкат Акмалхонов 87 ёшда вафот этди.

Ш. Акмалхонов 1933 йил 18 августда Тошкент шаҳрида туғилди. 1956 йили Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтини тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида зоотехник лавозимидан бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 1991 йилда Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти (ҳозирги Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти) катта илмий ходими, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва директори, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академиясининг вице-президенти, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилиб, ушбу соҳалардаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг чорвачилик соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалари, ўнлаб китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ўртасида яхши маълум. Унинг қатор илмий ишланмалари ва патентлари мамлакатимизда чорвачиликни илмий асосда ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.


Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевоисита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Ш.Акмалхоновнинг Ўзбекистон илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» faxрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Шавкат Акмалхоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎДУШЕВ

«Ўзбекистон: ИСЛОҲОТЛАР ЯХШИ НАТИЖА БЕРМОҚДА»



Минтақада энг серхосил ерга эга бўлган Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги иктисодиётининг асосини ташкил қилиб келган. Етиштириладиган экинлар орасида эса пахта биринчи ўринни эгаллаб, асосий экспорт товари ва мамлакатга валюта кириб келишини таъминловчи маҳсулот эди. Шавкат Мирзиёев пахта хом ашёси экспортдан қўшилган қийматли тайёр ва яримтайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, шу жумладан, мато, кийимлар, гиламлар ўзининг нархи ҳамда сифати билан доимо харидорғир.

“Asian Frontier Capital” компанияси мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати нихоятда катта салоҳиятга эга. Тошкент ва бошқа шаҳарларда кундан-кунга турли янги тўқимачилик фабрикалари ишга тушмоқда. Уларнинг фаолияти учун республикада ҳамма шарт-шароитлар: юқори сифатли хом ашё, арзон ишчи кучи, арзон электр энергияси мавжуд. Логистиканинг ривожлантирилиши эса тўқимачилик соҳасида ижобий маъ-

нодаги “портлаш эффекти”ни юзага келтирди. Яқинда мамлакат “Nike” ва “Adidas” сингари йирик компаниялар билан спорт оёқ кийимларини ишлаб чиқариш бўйича келишувларни имзолагани Ўзбекистоннинг халқаро тўқимачилик бозоридаги илк ғалабаси бўлди. Таъкидлаш жоизки, машҳур брендлар учун арзон ишлаб чиқариш қувватлари нихоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Ўзбекистон йирик компанияларга нафақат кўп сонли хом ашё, балки ривожланган тўқимачилик саноатини ҳам таклиф қила олади. Бунангланган ҳолда, сўнгги йилларда йирик тўқимачилик компаниялари Ўзбекистонга тез-тез таширф буюриб, мамлакатнинг сармовий салоҳияти ва тез ўсаётган тўқимачилик тармоғини яқиндан ўрганмоқда.

Ўзбекистондаги ислохотлар натижасида тез ривожланиш суръатларига эга бўлган соҳалардан бири — туризм. Афсонавий Буюк Ипак йўли чоррахасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўҳна шаҳарлар Ватани, “Минг бир кеча” эртақларида қуйланган замин бўлиши Ўзбекистон янги раҳбариятнинг қатъияти туфайли сайёҳлик соҳаси-

ни янги босқичга кўтарди. Айниқса, инвесторлар томонидан мамлакатда меҳмонхона қурилса, харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланиши халқаро бизнес ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон ташқи дунёга очилиб, ўнлаб мамлакатлар билан виза чекловларини бекор қилди. Шу жумладан, Германиялик сайёҳлар учун 30 кунгача бўлган саёхатлар учун виза бекор қилинди...

Республикада банк соҳаси миллий иктисодиётни ислох этиш доирасида кенг ўзгаришларга юз тутди. 25 йил давомида “ухлаб келган”, молиялаштиришнинг маълум масалалари учунгина жалб қилиниб келган банк тизимида Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб берган ислохотларнинг самараси ўлароқ трансформация жараёнлари қузатилаётир. Банк соҳасининг ислох этилиши мамлакатда амалга оширилган энг муваффақиятли ва илғор ўзгаришлардан бири бўлди.

Натижада миллий банк ландшафти тубдан ўзгармоқда. Улар илгари мавжуд бўлган чекловлардан озод қилиниб, ҳақиқий банк бизнеси билан шуғулланишга ўтди. Миллий

валютанинг эркин конвертацияси жорий этилиши, банк ҳисоблари тизимининг эркинлаштирилиши, валюта депозитларига рухсат берилиши билан банкларнинг фақат нақд пулни тўплашдан ҳақиқий банк-молия фаолиятига ўтишига имконият яратилди. Эгалик қилишга чекловларнинг юмшатилиши хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон молия тармоғида иштирок этишлари учун енгиллик яратди.

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилишнинг беш йиллик дастурини амалга оширмоқда. Мамлакатда электр энергиясига эҳтиёж ортиши нафақат ўсиб бораётган аҳолида, балки тез ривожланиш йўлига ўтган саноатда ҳам қузатилаётир.

Беш йиллик дастур доирасида 2025 йилга бориб кўплаб объектлар реконструкция қилинади, энергия ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади, электр энергиясига нисбатан давлат эгаллиги либераллаштирилади. Қисқа муддатда амалга оширилган ўзгаришлар энергетика тармоғига янги “нафас” тақдим этди ва унинг жадал ривожланишига олиб келди.

Хукумат ислохотларга қатъий интилаётганини кўрсатди ва бу эътирофга сазовордир.

“Ўзбекэнерго”нинг монополияси бекор қилинди. Ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ва тақсимловчи функциялар алоҳида ташкилотларга бўлиб берилди. “Ўзбекнефтегаз” АЖда ҳам ўзгаришлар бошланиб, у энергетика ресурсларини қидириш ва қазиб олиш билан шуғулланадиган классик нефть ҳамда газ тармоғига айланди.

Хукумат қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга ҳам қизиқиш билдирмоқда. Мамлакатда “яшил энергетика” концепцияси оммалашиб, куёш станциялари ишга туширилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қайта тикланувчи энергия манбалари хорижий инвесторларга Ўзбекистон энергетика бозорига кириш учун “дарвоза” ролини ўйнамоқда. 2030 йилга бориб, республикада яна 8 ГВт қулнишга эга қувватлар ишга туширилиб, улар табиий манбалар асосида фаолият юритади.

Анвар МИРЗАЕВ (Халқ сўзи) тайёрлади.

ҲИНДИСТОНДА АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАҚИДАГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Буюк олим Абу Али ибн Сино таваллудининг 1040 йиллигини муносиб нишонлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси “Ибн Сино” жамоат фонди, Ҳиндистоннинг Алигарх мусулмон университети ҳамда мамлакатимизнинг Деҳли шаҳридаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Ибн Сино ва Ўзбекистон” номли китобнинг тақдими ўтказилди.

Биз ва жаҳон

Онлайн форматда ташкил этилган мазкур тақдиротда “Ибн Сино” жамоат фонди раиси Н. Маҳмудов, Исроил давлатининг “Авиценна” халқаро фонди президенти, профессор Михаэль Сач, Франциянинг “Авиценна” ассоциацияси президенти, профессор Марк Боннель, Алигарх мусулмон университети профессори, Ибн Сино академияси бош котиби, “Ибн Сино ва Ўзбекистон” китобининг муаллифи Абдул Латиф ҳамда Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Дилшод Аҳатов ўз маърузалари билан қатнашди.

Маърузачилар ўз чиқишларида Абу Али ибн Сино илмий меросининг турли жиҳатлари бўйича сўз юритди. Хусусан, унинг Европада тиббиёт ва бошқа соҳалар ривожига таъсири, замонавий тиббиёт фани учун нақадар долзарблиги

ҳақида фикрлар билдирилди. Абу Али ибн Синонинг ўз даври учун “инновацион гоғлар манбаи” бўлганлиги таъкидланди.

Китоб муаллифи профессор Абдул Латиф ўз маърузасида асарнинг мазмунни хусусида батафсил тўхталиб, Ибн Сино илмий меросини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. Ушбу китобнинг ёзилишига алломанинг улкан илмий-амалий мероси билан бир қаторда ўзининг Ўзбекистонга амалга оширган сафари давомида ортирган ижобий таассуротлари асосий сабаб эканини маълум қилди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхонаси раҳбари Абу Али ибн Сино ва бошқа ўзбек алломалари мероси тадқиқотини ташкил этиш, Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўрта-

сидаги тарихий-маданий алоқаларни янада чуқур ўрганишда элчихона жамоаси Ҳиндистон илмий марказлари билан доимий ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлади.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган 2021 йилда ЮНЕСКО билан биргаликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чоррахасида” мавзuida халқаро форумни ўтказиш ташаббуси бўйича батафсил маълумот тақдим этилди. Қўҳна ва бой илмий-маданий меросга эга бўлган Марказий Осиё минтақасида бугунги кундаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада ривожлантириш, халқаро илмий-академик доираларнинг мавжуд маданий меросини

ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширишда мазкур халқаро форумнинг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди.

Абдул ЛАТИФ, Алигарх мусулмон университети профессори, Ибн Сино академияси бош котиби:

— 2019 йилнинг 20-21 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган “Ибн Сино ўқишлари” унинчи халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этарканман, буюк аллома Абу Али ибн Сино туғилган маскан — Афсона қишлоғида бўлиш ҳам насиб этди. Албатта, буюк олим илмий мероси ҳамда ҳаёти билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётган тадқиқотчи сифатида унинг туғилиб ўсган она Ватанида бўлишим ушбу “Ибн Сино ва Ўзбекистон” китобининг ёзилишига сабаб бўлди.

Аёнки, Ибн Сино буюк файласуф, тиббиёт, кимё, физика, астрономия ва бошқа кўплаб аниқ фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган халқаро миқёсдаги олим сифатида бутун дунёда қадрланади.

Мен ўз китобим орқали Ибн Синонинг нақадар буюк шахс эканлигини, унинг илмий меросининг инсоният тараққиётдаги аҳамиятини ёритиш билан бирга, аллома туғилиб ўсган юрт — бугунги янги Ўзбекистон ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга ҳаракат қилдим.



Алишер БЕРДИЕВ (Халқ сўзи) тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Mahsulot sotib olish bo'yicha tender

Tenderda yuqori tajribaga ega bo'lgan, o'z vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchi korxonalar vakillari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yo'nalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

I. Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili: Indeks 100084, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh, Xalqobod ko'chasi 17-«A» uy. Ma'lumot uchun kontakt: Ibragimov D.D., Turaxanov O.X., Tel/faks: 71-238-75-78(76) Sayt: www.udz.uz, elektron manzil: info@udz.uz, 1upr@udz.uz

Lot №2	Tender mavzusi	O'Ichov birligi	Miqdori	Maksimal sotib olish narxi 1 tonnasi ga
				So'm
5	Sigir sutidan olingan tuzlanmagan sariyog' yog'ililigi 82,5% Oliy nav GOST 32261:2013, sut va sut mahsulotlarining xavfsizligi to'g'risidagi umumiy texnik reglamentini tasdiqlash haqida (07.07.2017 dagi 474-sonli) 20 — 25 kg. gofra karobkasida.	tonn	300,0	47 766 666,67

Ishtirokchilarning takliflari lotning butun hajmi 300,0 tn ga qabul qilinadi.

III. Tenderda qatnashishi man etiladigan korxonalar va firmalar:

a) qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;

b) o'z vaqtida hujjatlarni o'rnatilgan tartibda yetkazib bermagan korxonalar;

c) buyurtmachi bilan avval tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;

v) tender e'lon qilingan kunga qadar tashkil etilganiga 6 oy bo'lmagan korxonalar;

g) tender taklifini qaytarib olmaslik kafolatini taqdim etmaganlar;

d) buyurtmachi bilan sud yoki hakamlar ishni ko'rish holatida bo'lsa;

e) vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;

f) soliq va boshqa majburiy to'lovlardan qarzdorlik mavjud bo'lganlar;

xususiy yoki ijara ga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) mavjud bo'lmaganlar.

IV. Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidан 1% miqdorda tender taklifida belgilangan valyutada to'lanadi.

Tenderda qatnashish va garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

«O'zdvaxzira»
hisob raqam: 20203000400101000001.
ATIB «IPEKA-BANK» Mehnat filiali Toshkent sh.
MFO: 00423, OKED: 84111 STIR: 201059473

V. Yetkazib berish shartlari — alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

Omborxonalar manzili:

— temir yo'l vositalari bilan yetkazish:

— 1 omborxona: 100,0 tn, 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik k-si 4, Furqat temir yo'l stansiyasi, stantsiya kodi 742300, qabul qiluvchining kodi 3508;

— 2 omborxona: 100,0 tn, 180100, Qashqadaryo vil., Qarshi sh., Nasaf 4, Qarshi temir yo'l stansiyasi, stantsiya kodi 733104, qabul qiluvchining kodi 2954;

— 3 omborxona: 40,0 tn, 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jayli guzari 14 a, Nukus temir yo'l stansiyasi, stantsiya kodi 739007;

— 4 omborxona: 60,0 tn, 140502, Samarqand vil., Juma sh., Tinchlik ko'chasi 54, Juma temir yo'l stansiyasi, stantsiya kodi 728106, oluvchining kodi 6242.

— avtotransport vositalari bilan yetkazish:

1 omborxona: 100,0 tn, 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik k-si 4;

2 omborxona: 100,0 tn, 180100, Qashqadaryo vil., Qarshi sh., Nasaf 4;

3 omborxona: 40,0 tn, 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jayli guzari 14 a;

4 omborxona: 60,0 tn., 140502, Samarqand vil., Juma sh., Tinchlik ko'chasi 54.

VI. Yetkazib berish muddati buyurtmachi tomonidan shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 90 kun ichida.

VII. Ishtirokchi ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta original va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekt ichida ikkita ichki (texnik va narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarda ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan bo'lsa, yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda tenderning ishchi guruhi javobgarlikni zimmasiga olmaydi.

VIII. Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: 2020 yil 6 noyabr Toshkent vaqti bilan soat 18:00 gacha.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

2021 йилга таянч докторантура (PhD) ҳамда мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

Ихтисослик шифри	Ихтисослик номи	2021 йил квотаси (сони)	
		Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
07.00.03	Жаҳон тарихи	2 ўрин	-
07.00.05	Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи	2 ўрин	-
07.00.07	Этнография, этнология ва антропология	1 ўрин	-
07.00.08	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	1 ўрин	-
08.00.09	Жаҳон иктисодиёти	3 ўрин	-
10.00.05	Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти	5 ўрин	-
10.00.06	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик	3 ўрин	-
10.00.10	Матншунослик ва адабий манбашунослик	1 ўрин	-
23.00.04	Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари	2 ўрин	-

Таянч докторантурага талабгорлар куйидаги хужжатларни топширади:

1. Ариза;
2. Биографик маълумотнома;
3. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
4. Олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
5. Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати (илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезислари), шунингдек, уларнинг нусхалари;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этади.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар куйидаги хужжатларни топширади:

1. Ариза;
2. Иш жойидан тавсифнома;
3. Маълумотнома;
4. Бакалавр ёки магистр дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш (Докторантура (DSc) учун фан номзоди илмий даражасига эгалик тўғрисидаги диплом);
5. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
6. Илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Мустақил изланувчиликка кирувчи шахслар куйидаги талабларга мувофиқ бўлишлари лозим:

- камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш;
- бакалавр ёки магистр дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш (Докторантура (DSc) учун фан номзоди илмий даражасига эгалик тўғрисидаги диплом);
- муайян илмий ютуқларга, фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган (илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида 1 илмий мақолага, илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ҳамда тегишли илмий йўналишлар бўйича) илмий ишлар тўпламларида чоп қилинган камида иккита тезисга эга бўлиш.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй.
Маълумот учун телефонлар: 71-233-45-21, 71-236-79-65.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директор ўринбосари Файрат Бозоровга отаси

Назар БОЗОРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ БОРЛИГИ ВА БОРЛИГИ

«Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида таълим тизимининг барча босқичида таълим сифатини бирдек юксалтириб бориш, илм-фан ривожига катта аҳамият бериш, олий маълумотлилар сонини ошириш, илмий майдонни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугун давлат раҳбари томонидан айтилаётган устувор вазифалар ҳам айнан тартибда дастуридаги мақсадларга ҳамоҳангдир. Яъни Президентимиз ҳам ўз нутқларида бугунги кундан бошлаб илм-фан ривожига янги пойдевор қўйиш зарурати борлигини таъкидламоқда.

Агар ўзбек ёшларининг сифатли таълим олушларига шaroит яратиб, олимларимизни қўллаб-қувватлай оласак, тилимиз илм-фан тилига айланади ва жаҳонда нуфузи ортади.

Ҳозирги дунёда барча аниқ фанлар атама-лари Европа тиллари сўзлари билан аталади, араб тили тил ва адабиёт илмида муҳим ўрин эгаллайди. Ушмишдаги Ренессанс давридаги эн-

циклопедик Шарқ олимлари туфайли жаҳон илмига кириб келган “медицина”, “алгоритм” каби сўзлар эса ҳозирга қадар қўлланади. Жаҳон спортида кураш тури терминлари ҳам ўзбек тилида янграйдилар. Демак, тилга эғалик қилиш, унинг умри узок бўлиши учун илм-фанга эғалик қилиш, жаҳонга таҳриба бериш керак экан.

Хулоса ўрнида айтганда, ўзбек тили мақоми, бу, 21 октябрь куни байрам қилибгина қўя қолин-диган ҳодиса эмас, балки жамиятдаги глобал жараёнлар билан боғлиқ масала экан.

Демак, тил Ватанга меҳр, миллатга ҳурмат, келажакка ғамхўрлик белгиси экан. Энг аввало, давлат ҳужжатларининг ўзбек тилида юритилиши, барча бўғинда талаб даражасининг тўғри қўйилиши тилимиз нуфузи ортишига ҳисса бўлиб қўшилиди.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ТАРАҚҚИЁТГА УЛУҒ РУҲ БАҒИШЛАЙДИ

Юртимизда биринчи ва иккинчи Ренессанс даври олимларининг инсониятга қолдирган мероси, дарҳақиқат, жуда катта илмий, маданий-маънавий хазинадир. Шундай улкан юксалишни юзага чиқарган шарт-шaroит, давлат хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлаши, шунингдек, қобилият эгаларини излаб топиш ва истеъдодининг рўёбга чиқишига қўмаклашиш каби бир қатор мезонлар қаторида она тилимизнинг ҳаёт билан бақамти ривожланиб бориши бизни ғурурлантиради.

Биринчи Ренессанс даври-нинг мутафаккирлари амалга оширган ишларга назар со-лайлик: сферик тригономет-рия, ўли рақамларнинг ти-зимли қўланиши, тригоно-метрияда “функция” тушуна-сининг пайдо бўлиши, жуғро-фий координатларнинг аниқ ифодаланиши, Ер сайёраси-нинг сферик глобуси, қаттиқ ва суюқ моддаларнинг со-лиштирма оғирлиги, минерал-лар таснифи, куруқлик тарки-бий жиҳмларининг ҳаракати ҳамда қатламлар ҳосил бўли-ши, денгиз ва материклар-нинг жойлашуви, тиббий ҳамда фармацевтик билим-ларнинг бир тизимга со-линиши, ташхислаш ва да-волашнинг янги усуллари, маъданлар трансмутация-си имконларининг таҳлили — булар юртимизда IX — XI асрларда яшаб ижод қилган буюк аждодлари-мизнинг табиий ҳамда аниқ фанларда амалга оширган инновацион кашфиётлари-нинг баъзилари, холос. Ўрни келганда шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, илм-фан осмонда юлдуз-дай яряқлаб турган бу ал-ломалар атрофида ва улардан кейин ана юзлаб сафдошлари, шогирдлари, давомчилари юртимиз илм-фани медаларини жа-ҳоннинг илгор оммасига етказиб беришда катта хизматлар кўрсатишди ҳамда мамлакат шон-шух-ратини, тафаккур қудратини узок ўлкаларга қадар ёйишди.

Демак, гап истеъдодли ёшларимизнинг ҳар томон-лама мукамал бўлиш оли-ши ҳақида ҳам бормоқда. Биринчи Ренессанс дав-рининг буюк наомандал-ри Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фароний, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кош-гарий, Маҳмуд Замахшарий каби улуг аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, улар бир эмас, бир неча соҳада пешқадам бўлганлигини кўра-миз. Шу сабабли ўрта ва олий таълим, шунингдек, илм-фан соҳасидаги ёшларимиз таълим дастурларининг шакл-ланишида айнан шу — кўп қиррали фаолият ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқ бўларди. Мисол учун, дунё тиббиёт фанининг асосчиси Абу Али ибн Синонинг маш-хур “Китоб уш-шифо” асари-дан тиббиёт масалалари би-

лан бирга мантқиқ, мусиқа, Ер қуррасининг тузилиши, геол-огик жараёнлар, метафизика-га оид бўлимлар ҳам ўрин олган.

Кейинги йиллардаги илмий тадқиқотлар Ибн Синонинг чу-қур фалсафий мазмунга эга рубоий ва фалсафий ҳикоят-лар жанри тараққиётига ҳам туртки берганлигини кўрсат-моқда. Дарҳақиқат, ақл-зако-ват чўққисидаги бундай мута-факкирларнинг аниқ ҳамда табиий фанлардан ташқари, фалсафа, тарих, маънавият, шеърятда ҳам пешқадам бўлганликлари маълум ва машҳурдир.

Яна бир улуг аждодимиз Мухаммад Мусо ал-Хоразмий-нинг 20 дан зиёд илмий иш-лари маълум. Унинг энг маш-хур асари “Ал-китоб ал-мух-тасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала”да квадрат ҳамда бир чизиқли тенгламанинг олти тури ва “алгоритм” ту-шунчаси кенг тавсифлаб бе-рилган. Хоразмийнинг яна бир машҳур мероси — “Ҳинд ҳисоблаш тизими ки-тоби” бўлиб, мазкур асарда олим бўлиш, қўшиш ҳамда айиришнинг саноксиз қондасини ва ғаройиб сон-ларнинг комбинацияси, ра-қамли тизимларни шарҳла-ган. Асарда у ҳинд санок ти-зимидан араб санок тизими-ни ҳосил қилган, ҳинд санок усулларидаги нолни қўшиш орқали ислом маданиятига рақам ёзиш тизимини татбиқ этган.

Бу фикрни иккинчи Рене-санс даври олимларининг ҳаёти ва ижоди ҳам тасдиқлайди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Кошии, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саққокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккир-лар, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби та-рихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беход сингари муассирлар етишиб чиқди. Номлари келтирилган мута-

факкирлар ҳам ўз даврнинг серқирра истеъдод эгаси бўлганликлари ҳақиқатдир. Яъни истеъдод фақат бир йўна-лишдагина эмас, турли йўна-лишларда ҳам ўз мевасини бера олиши, шунингдек, турли фанларни пухта эгаллаш истеъдодни янада кучайтириши ҳақида ҳам бормоқда.

Академик Н. И. Конрад Алишер Навоий ижоди ҳамда “Хамса”нинг миллий ва умум-инсоний аҳамияти тўғрисида назарий жиҳатдан асосланган теран фикрлар билдирган. Унинг “Танланган асарлар”ида “Марказий Шарқ Уйғониши ва Алишер Навоий” деган мақо-ла бор. Бу мақолада “Амир Темур тузган давлат Александр Македонский руҳини қайта тик-лагандай бўлди, — дейилади. — Фақат бу қайта тикланиш маданий соҳада Ренессанс шаклини олади ҳамда Алишер Навоий “Хамса”сида ўз муҷас-самини топади”.

Дарҳақиқат, она тили риво-жи тараққиётга улуг руҳ ба-ғишлайди. Бу борада сўз ке-таганда шунини алоҳида таъ-кидлаб ўтиш керакки, Алишер Навоий иккинчи Ренессанс шаклини олган мада-ний тизимнинг даврида она тилимизнинг нуфу-зини кўтаришга қара-тилган шундай улкан ишларни амалга оширдикки, унинг таъ-сири бугунги адабий жараённинг ривожла-ниши, давлатнинг бар-ча соҳада янги пого-нада юксалиши, онгу дунёқарашнинг ўзгари-шига асос бўлди.

Бугунги кунда ҳам ўзбек тилининг равна-қиға берилаётган ало-ҳида эътибор мамла-катимизда илм-фан-нинг юксалиб бориши-га, олимларимизни ва изланувчан тадқиқот-ларининг руҳини кўта-риб, янги марраларга рағбатлантиришига, ёшларнинг замонавий фанларга қизиқишини янада кучайтиришига, шубҳа йўқ.

Давлат раҳбарининг нутқида Уйғониш дав-рининг тўрт устуни қаторида беҳисни ус-тун ўлароқ, ота-она-ларга ишонч билдирил-гани ҳам бевосита она тилимизга дахлдор. Сино, тил нафақат му-лоқот воситаси, балки оиладаги соғлом му-ҳитни сақлаш, миллий гурурни юксалтириш, эзгу орзу-умидларни рўёбга чиқариш робитаси ҳамдир. Ушбу таъкид “давлат — муал-лим — ўқувчи” тизимига, фар-зандининг мукамал таълим олишини жон-дилидан истаёт-ган миллионлаб ота-оналар-нинг ҳамжihatли билан улуг мақсадларга дадил интилиши-га янгича руҳ берди.

Исажон СУЛТОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазирининг масъуладчиси,
Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

Тўқимачилик саноати: ЎЗБЕК БРЕНДИ ҚАЧОН ХАЛҚАРО БРЕНДГА АЙЛАНАДИ?



Юртимизда шунча корхона фаолият юритиб, янгилари барпо этилаётган экан, улар-нинг молиявий барқарорлиги, хавфсиз-лиги борасида ҳам фикр билдириш зарур, назаримизда.

Молиявий хавфсизлик нима?

Ҳар қандай корхонанинг ривожлани-шини белгилловчи асосий омил, бу, унинг молиявий хавфсизлиги! Мазкур тушунча дастлаб фанда иқтисодий хавфсизлиқнинг бир қисми ўлароқ қўриб чиқилган ва мустақил элемент сифа-тида ажратилмаган. Шунинг учун бу ту-шунча тарихини иқтисодий хавфсизлик тарихи мезониде ўрганиб чиқиш мумкин.

“MaBiCo” молиявий-таҳлилий мар-казининг энциклопедиясида “молиявий хавфсизлик”ка корпоратив тузилмалар, микродаражада ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини ҳимоя қилиш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар, усуллар ва воситалар тўпла-ми сифатида таъриф берилган.

Иқтисодчи олим А. В. Гукванинг фикрича, молиявий хавфсизлик узок мuddатли даврда корхонанинг молия-вий мувозанат, барқарорлиги, тўлов қобилияти ҳамда ликвидлигини таъмин-лашга имкон беради. Корхонанинг мо-лиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириб, етарли молиявий мустақил-лигини таъминлайди. Корхонга молия-вий зарар етказишни ёки капитал тар-кибини салбий ўзгарилишни ёхуд кор-хонани мажбуран туғатишни кўзда ту-тадиган хавф ва таҳдидларга қарши тура олади. Қолаверса, молиявий қарорларни қабул қилишда етарли да-ражада мослашувчанлиқни ҳамда кор-хона эгалари молиявий манфаатлари-ни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Олим Е. А. Проценко тадқиқотида айтилишича, молиявий хавфсизлик, де-ганда ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, лик-видлиги ва тақдор ишлаб чиқаришни кенгайтириш қобилиятини сақлаган ҳолда, режалар ривожлантириш қоби-ляти тушуналади.

К. С. Горчеванинг таърифиға кўра, молиявий хавфсизлик — бу, биринчи-дан, корхона томонидан фойдаланила-диган молиявий воситалар, технология-лар ва хизматлар тўпламининг муво-занати ҳамда сифати, иккинчидан, ташқи ва ички таҳдидларга қаршилиқ кўрсатиш, учинчидан, корхона молия-вий тизимининг молиявий мафзаатла-ри, мақсад ҳамда вазифаларини етар-ли микдорда молиявий ресурслар би-лан таъминлашни амалга ошириш қобилияти, тўртинчидан, бутун молия тизимининг ривожланишини таъминлай-диган молиявий ҳолатдир.

Ўзбек олими Х. П. Абулқосимовнинг таъриф беришича, молиявий хавфсиз-лик мамлакат ва унинг ҳудудлари иж-тимоий-иқтисодий барқарорлиги ҳамда ривожланиши учун зарур молиявий ша-роит ва ресурсларнинг яратилганлиги, молиявий тизимнинг яхлитлигини сақ-лаш ҳамда ички ва ташқи иқтисодий манфаатлар таҳдидига муваффақиятли қаршилиқ кўрсатишни ифодалайди. Бу хавфсизлик пул, бюджет, кредит, со-лиққа тортиш ҳамда валюта тизимла-рида вужуд келадиган таҳдидларнинг олдини олиш, улардан муҳофазаланиш-ни ўз ичига олади.

Айрим ҳудудлар илгор, айримлари эса...

Тўқимачилик саноати — кенг қам-ровли соҳа. У турли тармоқлар мажмуи-ни бирлаштиради. Тўқимачилик хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, пахта-қоғоз, жун, зигир, ипак, нотўқима материаллар, каноп-жун, тўқиб тармоғи, тўқимачилик-атторлик, кигиз-намат ва трикотаж тармоқ гуруҳлари шулар жум-ласидан. Тўқимачилик маҳсулотлари кийим-кечак ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебелсозлик, машинасозлик, мудоффа саноати ва бошқа соҳаларда кен қўлланади.

Куйидаги маълумотларга диққатин-гизни қаратинг: 2009 — 2019 йиллар давомида тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми республикада

йил сайин ортиб борган. Бироқ Самарқанд ва Сурхондарё вилоятла-рида бу борадаги кўрсаткичлар ка-майиши кузатилган. Наманган вилоя-тида эса бунинг мутлақо акси: сўнгги 4 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жадал охиб борган.

Соҳа корхоналари ип, пахта ва шойи газламалар, кийим, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари, хом ипак ишлаб чиқа-риш билан бирга, ички бозордаги тиб-бий бўюмлар, махсус кийимга бўлган талабни тўлиқ қондиришга муваффақ бўлгани ҳам эътиборга молик жиҳат. Инвестициялар ўзлаштирилиши дара-жаси ҳам мақтанишга арзигулик. Жум-ладан, 1995 йилдан кейинги даврда со-ҳага икки миллиард доллардан ортик микдорда чет эл инвестициялари жалб қилинди. Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар сармоялари иштирокида 200 дан ортик лойиҳалар амалга оширилди.

Ўтган йили юртимизда “Ўзтўқимачи-ликсаноат” уюшмаси таркибига кирув-чи тўқимачилик корхоналари сони 6000 тадан ошгани ҳам катта ютуқ. Бу-нинг 492 таси ёки 12,6 фоизи биргина Наманган вилояти ҳиссасига тўғри ке-лади. Яна бир факт: юртимизда 2009 йилда корхоналарнинг фаолилик даражаси 77,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 96,7 фоизга етган. Наманган вилоятида эса у те-



гишли равишда 74,7 фоиздан 96,2 фоиз-га кўтарилган. 2009 — 2019 йиллар да-вомида республикада қарийб 2944 та, шу жумладан, Наманганда 273 та тўқима-чилик корхонаси ўз фаолиятини тўхтати-ди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, мам-лакатимиз бўйича банкротлик даража-си 2009 йилда жами 13,8 фоиздан 2017 йилда 9,6 фоизга, Наманган ви-лоятида эса 2009 йилда 10,5 фоиздан 2017 йилда 6,3 фоизга қамийган. Бу фактларни мамлакатимизнинг тўқима-чилик саноатида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ўқилари сифа-тида қабул қилиш мумкин.

Муаммонинг мақбул ечимлари бор

Хўш, тўқимачилик саноати ривожига гов бўлаётган омиллар нима?

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбе-кистон Республикаси тўқимачилик са-ноатини ривожлантириш стратегияси-да ана шу муаммолар ўз аксини топ-ган. Жумладан, соҳанинг бир қатор тар-моқларида технологик қолоқлик мав-жуд. Асосий фондларнинг ёмонлаши-ши, инвестицион фаолиятнинг етарли эмаслиги кузатилади. Маҳаллий ма-ҳсулотларнинг ташқи бозорларга чиқи-ши чекланганлиги, рақобат кучайган-лиги ҳам бунга ўз таъсири кўрсата-ётир. Тўқимачилик тармоғида кимёвий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда жо-рий этилган инновацион фаолият ва инновацион технологияларнинг ривож-ланиш суръатлари суст.

Шу муносабат билан юқорида кел-тириб ўтилган прогнозда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун инно-вацион ривожланиш сценарийси ҳам кўзда тутилган. Яъни ресурс ва энер-гия тежайидиган технологиялар ҳисоби-га тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳи-ятини янгилаш, инвестициялар ҳажми-ни ошириш талаб этилади.

Тўқимачилик саноатини ривожланти-ришининг асосий омилли маҳсулотларга ички талабнинг ўсиши ҳисобланади. Боз

устига, тўқимачилик саноати иқтисо-дийётнинг ҳамда маҳаллий саноатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қоломоқда.

2030 йилда ишлаб чиқаришни 2,5 барабар ошириш керак. Хўш, қандай?

2030 йилгача мўлжалланган страте-гияда соҳада ишлаб чиқариладиган деярли барча турдаги маҳсулотлар тай-ёрлашни қўнайитириш кўзда тутилган.



Шунга муво-фик, 2020 йилда тўқимачилик ишлаб чиқариши 2018 йилдагига нисбатан 43 фоиз, 2030 йилда эса 2,5 барабар ўсиши керак.

Яқин келажакда “барқарор ўсиш тра-екторияси”га ва ўртача дунё кўрсатки-чига эришишининг имкони бор, албат-та. Бунинг учун тўқимачилик саноати-нинг барча тармоғида ҳамда унинг ало-ҳида тақшилотларида иқтисодий ва мо-лиявий хавфсизлик шароитида қатъий сиёсатни амалга ошириш зарур. Ушбу позиция барқарор ривожланишининг асосий омиллари ҳамда шарт-шaroит-ларини назарий таҳлил қилишни ва ай-рим тармоқларни бошқаришнинг инст-рументал усулларини талаб этиши, шубҳасиз. Бундай таҳлилининг энг му-ҳим қоидалари, бизнингча, қуйидаги-лардан иборат.

Биринчиси. Барқарор ривожла-нишининг самарали тизимини давлат институтлари ва жамият ҳаракатлари-си, тегишли қонунлар, давлат ҳамда минтақавий дастурларсиз шаклланти-риш мумкин эмас. Бу, ҳўқумат иннова-

цион ривожланишининг асосий йўналиш-ларини, рақамли иқтисодиётни янги тех-нологик тузилишга ўтказиш учун ша-роит яратиши кераклигини аңглатади. Шу тариқа 2020 йилдан 2030 йилгача мамлакатнинг тўқимачилик мажмуа-сига инвестициялар ҳажми 3,6 барабар кўпаяди. Бироқ фаол инновацион ри-вожланиш ва тўқимачилик саноатини ташкил этишга инвестициялар жалб қилиш учун иқтисодий рағбат ханузга-ча кучсиз даражада. Иқтисодийёт экс-порта йўналтирилган хом ашё моде-лидан инновацион ҳамда технологик

“Соҳа корхоналари ип, пахта ва шойи газламалар, кийим, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари, хом ипак ишлаб чиқариш билан бирга, ички бозордаги тиббий бўюмлар, махсус кийимга бўлган талабни тўлиқ қондиришга муваффақ бўлгани ҳам эътиборга молик жиҳат. Инвестициялар ўзлаштирилиши даражаси ҳам мақтанишга арзигулик. Жумладан, 1995 йилдан кейинги даврда соҳага икки миллиард доллардан ортик микдорда чет эл инвестициялари жалб қилинди. Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар сармоялари иштирокида 200 дан ортик лойиҳалар амалга оширилди.

Ўтган йили юртимизда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналари сони 6000 тадан ошгани ҳам катта ютуқ.

жиҳатдан рақобатбардosh моделга айлантирилмоқда.

Иккинчиси. Тўқимачилик саноати айрим тақшилотларининг барқарор ва хавфсиз ривожланишини бошқариш учун бундай ривожланишининг омиллари — бошқарув механизмлари ҳамда усуллари аниқлаш керак. Бошқариш ме-ханизми инновацияларга, инқирозга қарши сиёсатга мослашиши, соҳани ривож-лантириш стратегиясига йўналтирилган бўлиши зарур. Таҳлил инструментлари ва усуллари ҳам тақшилотнинг бозор-даги мавқеини сақлаш ҳамда кенгайти-ришга, молиявий аҳвол даражасини сақлашга қаратилиши шарт...

Чидамлилик, молиявий барқарорлик учун шарт-шaroитлар яратиш, самара-ли шартнома сиёсати, ўз зиммасига ол-ган мажбуриятларни белгиланган мuddатда ва тўлиқ бажариш шarti эвазига бошқа тақшилотлар билан узок мuddатли иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мумкин.

Молиявий муносабатларнинг мамла-кат иқтисодиётдаги роли кучайиши на-фақат давлат, балки корхона даражаси-да молиявий хавфсизлиқни таъминлаш аҳамиятининг ошишига олиб келади. Ҳатто акциялари фонд бозориде эълон

қилинмаган ва молия бозорларида мо-лиявий ресурсларни жалб қилмайдиган замонавий тўқимачилик корхоналари ҳам ўз фаолиятларида молиявий инқироз оқибатларини бошдан кечирмоқда. Айнан шу омил корхоналарда молиявий хавфсизлик тизимини ривожлантириш-га эътиборни кучайтиришга олиб келади.

Тўқимачилик корхоналарида молия-вий хавфсизлиқни таъминлаш учун қатор чора-тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Масалан, корхонанинг барқарор ривожланиши, нақд тўловлар ва асосий молиявий-иқтисодий кўрсат-кичлар барқарорлигини таъминлаш за-рур бўлади. Бинобарин, молия-банк инқирозлари ҳамда рақобатчиларнинг қасддан ҳаракатлари таъсирини бартараф этиш керак. Акциядорлар, мене-жерлар ва кредиторлар ўртасида корхо-нанинг пул оқимларини тақсимлаш, ун-дан фойдаланиш ҳамда рақобатчиларнинг қасддан ҳаракатлари таъсирини бартараф этиш керак. Корхона учун турли молия-лаштириш манбаларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш энг мақбул йўлдир. Молиявий муносабатлардаги жиноятлар ҳамда маъмурий ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳам муҳим шартлардан бири. Ушбу масалалар корхона акция-дорлари ва менежерлари томонидан корхона молиявий тизимининг ўзаро боғлиқ бўлган барча бошқарув элементлари хавфсиз ҳамда самарали ишлашини таъминлаш учун ҳал қилини-ши керак.

Корхонанинг молиявий хавфсизлиги-га ички хавф ва таҳдидларни қанғайти-риш учун, биринчи навбатда, ана шу молиявий хавфсизлиқни назорат қилиш зарур. Йирик тўқимачилик корхонала-рида молиявий хавфсизлик хизмати таш-кил қилиниши ҳамда улар тўғридан-тўғри бош директорга бўйсунуши бу борада оқилона ечим, назаримизда. Ўз навба-тида, корхоналарнинг молиявий хавф-сизлиги талаблариға мувофиқлигини баҳолашга имкон берадиган мезонлар аниқланиши лозим. Молиявий хавфсиз-лик хизмати ушбу мезонларга муво-фиқлигини баҳолайди ва маълумотни корхонанинг юқори раҳбариятиға етказида.

Шу билан бирга, қарздорларга қўйи-ладиган талаблар тамойиллари ишлаб

чиқилиши керак. Улар корхона молия-вий хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Хавфсизлик хизмати мо-лиявий хавфсизлиқни баҳолаш учун тақ-дим этилган ҳисоботларнинг муҳимли-ги тўғрисида ўз фикрини билдириши жоиз. Бундан ташқари, ҳар томонлама хо-лис мониторинг, жумладан, корхона мо-лиявий хавфсизлигиға ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ҳамда прогноз қилиш учун ахборот тизими яратилиши керак. Олинган маълумотларға асосла-ниб, салбий омилларга қарши курашиш, шунингдек, таҳдидларнинг эҳтимолий салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш учун тезкор ҳамда узок мuddатли чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Буларнинг бarchаси, пировардиға, юксак мақсад рўёбига хизмат қилиши-га шубҳа йўқ. Яъни ўзбек бренди келажакда жаҳон брендиға айланади.

Бобир ТУРСУНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Иқтисодий
хавфсизлик кафедраси мудири,
PhD.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бўюмга Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ўфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарха.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш